



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Иддао,  
пичинг доимо  
ўчакишишга сабаб  
бўлади. Чунки  
бу сўзларни  
қалбида алами,  
тилида заҳари бор  
кимсалар ишлатади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 22-may, shanba, 60 (23.496)-son

Самарқанд шаҳрида вилоят ҳокими Э.Турдимов тадбиркорлик фаолиятида муаммоларга дуч келаётган ва турли масалаларда ёрдамга муҳтож бўлган ишбилармонлар билан учрашув ўтказди. Сектор раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, Президентнинг вилоятдаги Халқ қабулхонаси ва бошқа корхона-ташкилот масъуллари иштирок этган учрашувда тадбиркорлар ўзларини қийнаётган масалалар, ер ажратиш, кредит олиш, фаолиятни ўзгартириш, бўш турган бинодан фойдаланиш, олис ҳудудда тадбиркорлик билан шуғулланиш каби муаммолари билан мурожаат қилди.

## ТАДБИРКОРЛАР

### ҲОКИМГА ДАРДИНИ АЙТДИ



Қабулга келган Фаррух Раҳимов Самарқанд шаҳридаги Уста Умар Жўрақулов кўчасида дўкон очиш учун банкдан 40 миллион сўм кредит олиб иш бошлаганди. Аммо...

Бир ярим йил аввал дўкон очгандик, аммо уч ойдан буён дўконимиз "снос"га тушиб, ишимизни давом эттиролмаямиз, - дейди тадбиркор Ф.Раҳимов. - Дўкон очиш учун 40 миллион сўм кредит олганмиз ва ҳозиргача кредитнинг 20 миллион сўмини қайтарганмиз. Бир томондан кредит физиларини тўлолмаямиз, бошқа томондан уч ойдан буён

дўконни ишлатолмаяпмиз. Ишлаш ёки ишламасликни ҳам билмай қолдик. Шу масалада вилоят ҳокимига мурожаат қилдим. Мурожаатим юзасидан Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосарига масалани ўрганиб чиқиб, дўкон пулини бериб бузиш ёки ишни давом эттиришим бўйича кўрсатма берилди.

Юзма-юз мулоқот давомида тадбиркорлар томонидан 200 га яқин мурожаат тушди ва уларнинг ижроси юзасидан масъуллар бириктирилди. Ҳар бир мурожаат ижроси назоратга олиниб, ҳар душанба кунини вилоят ҳоқимлиги томонидан муҳокама этилиши белгиланди.

## УКРАИНАЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР САМАРҚАНДДА

Самарқанд шаҳрида маҳаллий тадбиркорлар билан Украина ишбилармонлари иштирокида бизнес форум ўтказилди.

Форум аввалида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Жамшид Уроқов, Украина ташқи ишлар вазирлиги ўринбосари Евгений Енин, Украина савдо-саноат палатаси президенти Геннадий Чижиков, Ўзбекистон - Украина ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси Олег Ревчук ва бошқалар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик йил сайин кенгайиб бораётганлигини таъкидлади.

Айни пайтда Самарқандда Украина капитали иштирокидаги олти қўшма корхона фаолият юритади, - деди Ж.Уроқов. - 2020 йилда Самарқанд ва Украина ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 36,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткичлар икки томоннинг бугунги салоҳиятига мос эмас. Шунинг учун мазкур форум ташкил этилди. Биз хорижлик инвесторларга, жумладан, украинликларга ҳам ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар томонлама етарли шароитларни яратиб беришга тайёрмиз.

Ўз навбатида, украиналиклар ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини таъкидлаб, Самарқандни пойтахт Тошкентдан кейинги юқори



салоҳиятлик ҳудуд деб билишларини қайд этишди.

Биз ўзаро ҳамкорлик борасида Тошкент билан жуда яхши алоқага эгамиз, - деди Украина Савдо-саноат палатаси президенти Геннадий Чижиков. - Пойтахтда ўтган музокаралар давомида



Самарқандга ташир буюрдик.

Форум давомида ҳар икки томон ишбилармонлари ўзаро фикрлашиб, ҳамкорлик бўйича таклифларини муҳокама қилиш имкониятига эга бўлишди.

Фаолиятимиз дуқакли маҳсулотларни саралаб, қадоқлаб хорижга экспорт қилиш билан боғлиқ, - дейди "Samarkand Golden Chickpeas" оилавий корхонаси раҳбари Амир Раҳматуллаев. - Бугунги кунда қўшни давлатлардан ташқари Россия, Германия, Канадага маҳсулот экспортини амалга ошириб келяпмиз. Форум доирасида Украинанинг "Кравченко А.Н" корхонаси вакиллари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокара ўтказдик. Улар қуриштирилган нўхат ва меваларга қизиқиш билдиришди. Ҳамкорликнинг дастлабки шартлари ҳақида келишидик.

Форум доирасида украиналик ишбилармонлар Самарқанд шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан ҳам танишди.

А.ИСРОИЛОВ.

### ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА...

Жамият ўз-ўзича эмас, фикрлайдиган одамлар сая-ҳаракати туфайли равақ топади. Чунки фикрлайдиган, мушоҳада юритадиган, теварак-атрофда кечаётган воқеаларни таҳлил қилиб, зарур хулоса чиқарадиган кишилар бошқаларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Бошқалар эса ўзлари истаб-истамаган ҳолда уларга эргашади. Шунинг учун барча замонда фикрлайдиган кишилар жамиятнинг манзарасини белгилаб беради. Кишилар қанча теран фикрласа, ҳаёт шунча чиройли мазмун касб этади.

Абдулла УЛУҒОВ,  
адабиётшунос.



## Тўрт туманда замонавий шошилич тиббий ёрдам маркази очилади

Самарқандда «Тез тиббий ёрдамнинг долзарб муаммолари: шошилич тиббий ёрдамда минимал инвазив технологияларнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги XVI халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция ишида беш давлатдан 150 нафар иштирокчи қатнашди, 400 дан ортиқ маҳаллий ва хорижлик тиббиёт ходимлари онлайн тарзда қўштириб олиш имкониятига эга бўлди. Конференция давомида хорижлик мутахассислар шошилич тиббиёт тизимида янги технологияларнинг жорий этилиши бевақт ўлимларнинг олдини олиш, оғир аҳволда келган беморларнинг асоратсиз даволланиши кетиши учун кенг имконият яратётганини таъкидлади.

Тизимда ҳар йили 220 мингдан зиёд стационар жарроҳлик амалиётларининг 50 фоиздан ортиги юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилмоқда, - дейди Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази раҳбари Даврон Тўлаганов. - Марказимиз

ҳамда унинг филиаллари ҳар йили ишемик ва геморагик қон айланишининг ўткир касалликлари, қорин ва кўкрак бўшлиғи соҳасидаги патологиялар учун замонавий минимал



инвазив аралашувларини амалга оширади. Марказда Марказий Осиёда биринчи марта замонавий технологиялар ёрдамида шу пайтгача амалга оширилмаган мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилмоқда.

### «Халқаро конференция»

Ушбу соҳада замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш мақсадида шу йилнинг ўзида Булунгур, Пахтачи, Иштихон, Ургут туман шошилич тез тиббий ёрдам бўлимлари вилоят марказидаги сингари шарт-шароитларга эга бўлиб, ёндош туманлар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатувчи марказга айланади. Ушбу ҳудудий марказларнинг ҳар бири 34 турдаги, компьютер томографиясидан тортиб, бошқа зарур



ускуналардан иборат диагностика асбоблари билан таъминланади. Республика бўйлаб ташкил этилиши режалаштирилаётган шундай марказларда замонавий технологияларда иш олиб бориши учун 144 нафар мутахассислар ўқитилмоқда.

Илмий-амалий конференция доирасида хорижлик мутахассислар томонидан Каттакўрғон шаҳри ҳамда республика шошилич тез тиббий

ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида лапароскопияда операция ўтказиш бўйича маҳорат машғуллари ташкил этилди.

Пойтахт, яъни мамлакат марказидан бир неча юз километр узоқликдаги чекка ҳудудда бу каби юксак технологияли асбобнинг мавжудлиги Ўзбекистонда тиббиётга алоҳида эътибор, аҳолига улкан гамхўрлик намунаси, деб биламан, - дейди Боку миллий жарроҳлик маркази раҳбари, профессор Гурбонхон Муслимов. - Бутун дунё таърибасидан маълумки, шошилич тез тиббий ёрдам тизимида юқори технологияларни амалиётга татбиқ этиш мураккаб масала. Бемор турли даражадаги оғрик, жароҳатлар билан келгач, унга шошилич ёрдам кўрсатилиши лозим. Бундай вазиятда беморга юқори технологиялар ёрдам кўрсатиш шифокордан таъриб, маҳорат ҳам талаб этади. Бугун Ўзбекистонда ушбу амалиёт татбиқ этила бошланган. Бунинг учун шароитлар ҳам, шифокорларнинг таърибаси ҳам етарли эканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Конференция очилишида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги А.Ҳожибоев, вилоят ҳоқими Э.Турдимов иштирок этди.

Гулруҳ МҶИНОВА.

## «Кун мавзуси»

### Мактабда ўқув йили қандай яқунланади?

Жорий йилда барча умумтаълим мактабларида босқичли назорат ва якуний давлат имтиҳонлари ўтказилади.

Имтиҳонлар ўқувчиларнинг соғлигини ҳимоялаш ва карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказилиши назоратга олинади. Жумладан, имтиҳонлар ўтказилишидан олдин таълим муассасаларида дезинфекция ишлари олиб борилади, ўқувчилар имтиҳонларга санитар-гигиена қоидаларига риоя этган ҳолда, ҳимоя воситасида (тиббий ниқоб) кириштирилиб, бинога киришдан аввал тиббий ходимлар

томонидан уларнинг тана ҳарорати ўлчанади ва оралиқ масофани сақлашлари таъминланади.

26 майдан 2 июнга қадар 5, 6, 7, 8 ва 10-синф ўқувчилари учун босқичли назорат имтиҳонлари, 26 майдан 15 июнга қадар 9 ва 11-синф битирувчилари учун якуний давлат имтиҳонлари оғзаки, ёзма ҳамда тест синовлари шаклида ўтказилади.

Ҳар бир мактабда имтиҳонлар бошланишидан камида 10 кун олдин имтиҳон ўтказиш жадавали барча учун кўринадиган жойга осиб қўйилади. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати маълум қилди.

## «СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ»

тадбирлари ўтказиладими?

Жорий йилнинг 25 май куни барча умумтаълим мактабларида (онлайн таълим шаклига ўтган мактаблар бундан мустасно) «Сўнги қўнғироқ» тадбирлари карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказилади.

Жорий йилда ўқув жараёнлари онлайн шаклда давом этаётган Самарқанд (82 та мактаб) ва Каттакўрғон (18 та мактаб) шаҳарларида ва туманлардаги 68 та мактабда «Сўнги қўнғироқ» тадбирлари ўтказилмади.

«Сўнги қўнғироқ» тадбирлари карантин қоидаларига



қатъий риоя этган ҳолда қуйидаги тартибда ташкил этилади:

- мактабнинг кириш қисми пирометр ва антисептик восит

талари билан таъминланади ҳамда ижтимоий масофани белгилувчи чизиклар чизилади;

- тадбирда фақатгина 4-, 9- ва 11-синф ўқувчилари иштирок этади;

- тадбир мактаб ҳовлиси, боғида ёки соя-салқин очик майдонларда ўтказилади ҳамда мактаб ҳудудига техника воситалари ва бегона шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди;

- тадбир халқ таълими бўлимлари билан келишилган аниқ сценарий асосида, соат 8:00 дан 8:45 га қадар ташкил этилади.

Абдуҳошим ЗИЁДОВ,  
вилоят халқ таълими бошқармаси матбуот котиби.



«Долзарб мавзу»

Ўтган асрнинг иккинчи ярмигача дунё сув ҳавзалари орасида Орол денгизи катталиги жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллаган. Денгизга қуйиладиган сувнинг кескин камайиши натижасида унинг майдони 8, ҳажми 13 баробарга қисқарган ва 90-йилларга келиб, Орол икки қисмга ажралган. Аввал денгиз сувининг ҳар литрида 11-12 грамм туз бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич бир неча баравар ортган. Уша пайтда денгизда балиқнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд бўлган ва 60-йилларда йилига 35 минг тоннагача балиқ овланган.

Орол денгизи минтақаси

экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айланади

Оролбўйи ҳудудда вужудга келган экологик танглик аҳоли саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатяпти. Минтақадаги давлатлар учун экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар муаммоларни келтириб чиқарди ва майдони 5,5 миллион гектарга тенг бўлган "Оролқум" саҳроси пайдо бўлди. Ҳудуддан қум, туз зарралари ва кимёвий бирикма қолдиқлари тарқалмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 16 октябрда "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Орол денгизи халқаро инновацион марказини шакллантириш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Ушбу марказ Орол денгизининг қурган тубидаги шўрланган ерларда экотизим ва барқарор турмуш даражасини таъминлаш, халқаро ташкилотлар билан ҳудуддаги турли муаммоларнинг ечимлари, инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ҳамкорликни ташкил этади.



тиклаш" қуни сифатида нишонлаш тақлифини илгари сурганди. Таклиф қилинган махсус резольваси жорий йил 18 майда бир овоздан қабул қилинди. Қарорни 60 га яқин давлат маъқуллади. Унда БМТ Бош Ассамблеяси Орол денгизи минтақасидаги экологик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик вазиятни яхшилашга қаратилган минтақавий тадбирлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш таъкидланган. Бош Ассамблея барча манфаатдор томонларни қўшама фанлараро тадқиқотлар олиб боришга, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқишга ва жорий этишга, барқарор инклюзив ва экологик барқарор иқтисодий ўсишга, энергия ҳамда сувни тежаш технологияларидан фойдаланишга чақирди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қўнғунчилик тақомиллашиб, биохилма-хилликни сақлаш, табиати муҳофаза қилиш соҳасида қўнғунчи асослар яратилди. Кейинги уч йилда Оролнинг қурган тубида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ўтган даврда қарийб 2 миллион гектар майдон ўрмонлаштирилиб, саксовул ва бошқа чўлга чидамли ўсимликлар уруғлари экилди. Денгизнинг суви қурган майдонда тажриба учун "Орол-Оазис" ташкил этилиб, ҳар хил манзарали ва мевали дароҳт кўчатлари экилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 18 январдаги қарори билан Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг 2017- 2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тасдиқланди. Унда турли хил молиялаштириш манбаларидан, бюджет маблағлари, шу жумладан, халқаро молия институтларининг мақсади ҳамда грант маблағлари, кредитларни жалб қилиш ва ўзлаштириш ҳисобига 67 та лойиҳанинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

2017 йил сентябр ойида БМТнинг 72-сессиясида Президентимиз тарихда биринчи бор, БМТ олий минбарига денгизнинг харитасини бутун жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиб, муаммонинг нечоғлик чуқур ва нақадар мураккаблигини очиб берди. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишда халқаро миқёсдаги саяёҳаракатларни фаол бirlаштириш-

2018 йилда Президентимиз ташаббуси ҳамда БМТ Бош котиби шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст жамғармаси ташкил этилди. Ҳозиргача жамғарма томонидан 50 га яқин лойиҳа шакллантирилган. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мазкур жамғарма фаолияти бўйича халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Чунки бу молиявий муассаса оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз 2020 йил сентябрда БМТнинг 75-сессиясида Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш, ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса "Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва

Хўсниндин БОЙМУРОДОВ, биология фанлари доктори, профессор.

Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан туманда олиб борилаётган қурилиш ишлари, янги ташкил этилаётган корхоналар, аграр соҳадаги янгиликлар билан таништириш мақсадида журналист ва блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди.

Дастлаб пресс-тур иштирокчилари Имом Бухорий мажмуасида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишдилар. Туман ҳокими Дилшод Мусинов қурилиш-бунёдкорлик ишлари, янги корхоналар, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Шундан сўнг "Пайариқ кластер" масъулияти чекланган жамияти пахта-тўқимачилик кластери томонидан қуриллаётган янги корхона фаолияти таништирилди. Кейинги йилда ишга тушадиган мазкур корхонада уч босқичда ип-калага, тўқув-трикотаж, чигитни қайта ишлаш ва ёғ-мой корхонаси ташкил этилади. Қиймати 42 миллион евро бўлган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Германия, Швеция, Япония, Италия, Хитой давлатларидан энг замонавий ускуналар келтирилди ва 1350 та янги иш ўрни яратилади. Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши билан йилига 35 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилади. Сўда қилиб айтганда, туманда тайёрланадиган 36 минг тонна пахта хомашёсини чигитдан ажратиш, бирламчи қайта ишлаш, тола олиш, ип-калага ҳолига келтириш жараёнлари айнан шу корхонада амалга оширилади. Бу албатта, ҳосилни хомашё сифатида арзон нархда сотишнинг олдин олади, янги иш ўринлари яратади ва қўшимча қиймат яратишда қўл келади.



Туманда иқтисодий салоҳиятни юксалтириш билан бирга аҳолининг маънавий оламни бойитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Челақ шахарчасида тижорат Халқ банки ҳомийлигида ахборот-кутубхона маркази бунёд этилмоқда. - Мазкур ахборот-кутубхона маркази қурилиши учун 3 миллиард сўм ҳомийлик маблағи жалб этилди, - дейди туман ҳокими ўринбосари Фаррух Омонов. - Бу ерда 5 та замонавий ўқув зали, тамаддиҳона, тақдиротлар ўтказиш ва мунозара аудиторияси, китоб-

Истиқболли лойиҳалар, замонавий қурилишлар, даромад манбалари

Пайариқда бу йўналишларда қандай ишлар олиб борилмоқда?



хонларга хизмат кўрсатиш бурчаги, маҳаллий бюджет маблағларидан молиялаштириладиган интернет хизмати жорий этилади. Шунингдек, пресс-тур иштирокчилари "Ёшлар дафтари"ни қиритилган 100 нафар ёшларга ўз ишларини йўлга қўйишлари учун асбоб-ускуналар топшириш жараёнида ҳам қатнашди. Туман ҳокимлиги масъулари томонидан 34 нафар хотин-қизларга тикув машиналари, 9 нафар ёшга мотокультиватор, 10 дан ортиқ қизга пишириш печлари ва аёлларга хизмат кўрсатиш ускунаси, 45 га яқин ёшга пайвандлаш ускунаси ва компьютер жамланмаси топширилди. Шундан сўнг журналист ва блогерлар туманининг Ингичка ҳудудига ташкил этил-

ган бўлса, жорий йилда Ингичка ҳудудидаги 1600 гектар майдон ўзлаштирилиб, кооперация ташкил этилди, - дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Саидхон Маликов. - Лалми ҳудудни ўзлаштириш учун 230 метр чуқурликкача бўлган 37 та артезиан қудуғи қовланди, 12 та ҳовуз, 6 та захира қудуқ қурилди. Экин майдонларига сув тежовчи технологиялар жорий қилинди. 28 километр янги электр тармоғи тортилди. Ҳозир бу ерда сув исроф бўлишининг олдини олиш учун кечаси 2 соатдан суғориш ташкил этилди. Йилнинг иккинчи ярмида шу ҳудудда яна 800 гектар лалми майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, ёшлар учун ер майдонлари ажратилади.

Бу ерга халқаро бозорда талаб юқори бўлган экспортбон узум ва мейвиз олиш мумкин бўлган узум кўчатлари экилди. Янги ўзлаштирилган майдонлар тумандаги дафтэрларга қиритилган 3200 дан ортиқ оилага 50 сотихдан туман ҳокимининг қарори билан 50 йилга деҳқон ҳўжалиги сифатида тақсимлаб берилди. Бу эса 10 мингдан ортиқ фуқаронинг бандлигини таъминлади.

Илгари сувсизликдан қаровсиз бўлган бу майдонларда ҳозир 40 гектар "Черри" помидори, 300 гектар бодринг, 30 гектар саримсоқпиез, 250 гектар тарвуз-қовун, 25 гектар картошка, 50 гектар ошқовоқ, 500 гектарга яқин нўхат ва бошқа экинлар парваришланмоқда. Сув тежовчи технологиялар 7 йилга 3 йиллик имтиёзли мuddат билан тайёр ҳолда берилган. Бу ҳудуддан ер ажратилган фуқаролар меҳнати орқали махсулот етиштириш ва даромад олиш имконияти яратилган.

Пресс-тур иштирокчиларига қисқа мuddатда самара берадиган истиқболли лойиҳалар таништирилди. Демакки, аҳолини иш билан таъминлаш, даромадини ошириш борасида сезиларли лойиҳалар ишлаб чиқилган. Бу эса туманда яқин йилларда иқтисодий ўзгаришлар бўлишидан дарак беради. Уктам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Низони судгача ҳал қилса бўлади

Конституцияимизнинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ҳар қандай манфаатдор шахс, жумладан, тадбиркорлик субъекти ва яқна тартибдаги тадбиркор бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга мурожаат қилиши мумкин.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномада ёки қўнғунчиликда даъво аризаси билан судга мурожаат қилишдан олдин низони судгача ҳал қилиш шартлигидан иборат бўлган қоида ҳам мавжуд.

Низоларни судгача ҳал қилиш тарафларнинг юзага келган низолар (келишмовчиликлар)ни суд органларининг аралашуви сиз ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатларидир. Низони судгача, яъни суд муҳокамаси сиз ҳал қилишда тарафлар музокаралар ўтказиши, медиация тартиб-таомилини амалга ошириши ёхуд талабнома юбориш орқали амалга ошириши мумкин. Чунки низони судгача ҳал қилиш тартибидан ҳар бир тараф манфаатдор.

Биринчидан, талабнома юборувчи қисқа мuddатда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашга эришади. Иккинчидан, даъвогар даъвонинг расмийлаштириш ва уни судга тақдим қилиш, даъвонинг судга кўриш жараёнида тарафларнинг иштирок этиши билан боғлиқ вақт ва маблағини тежайди. Учинчидан, давлат божи ва суд харажатлари билан боғлиқ суд чикимларининг олди олинади.

"Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилган ҳўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган ҳўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақли.

Агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан, яъни жавобгарга олдиндан талабнома юборгандан сўнг судда иш кўзатиши мумкин.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 155-моддаси биринчи қисми 7-бандига кўра, мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни даъвогар тақдим этмаган бўлса, судья даъво аризасини қайтариши белгиланган.

Масалан, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси "Сиёб Шавкат Орзу"

фермер ҳўжалиги манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "LIFT GROUP" МЧЖ шартномада белгиланган мажбуриятини бажармаганлиги сабабли 72 480 000 сўмини ундиришни сўраган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2016 йил 7 июнда тузилган 33-сонли шартноманин 6.4-бандида ҳар қандай келишмовчиликлар ва тортишувлар тарафлар ўртасида талабнома юбориш тартибида ҳал қилиниши белгиланган. Аммо даъвогар жавобгар билан низони судда ҳал қилиш, яъни талабнома юбориш тартибига риоя қилмасдан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Шу сабабли, даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, суднинг 2021 йил 23 февралдаги ажрими билан Иқтисодий процессуал кодекснинг 155-моддаси 7-бандига асосан қайтарилган. Шунингдек, ажримда даъво аризасини қайтаришга асос бўлган камчилик бартараф қилингандан сўнг умумий тартибда такроран судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилган.

Шунинг учун низоларни судгача ҳал қилишнинг қонунда ёки шартномада белгиланган тартибига риоя этиш ҳар қандай манфаатдор шахсининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали, тезкор ва тежамкор усули ҳисобланади.

Ж.ЮСПОВ, вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси. К.ТҲҲТАЕВ, Самарқанд шаҳар иқтисодий суди раиси.

Бу аввало, ўз хавфсизлигимиз учун зарур

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлигининг фармойиши асосида 1-30 май кунлари республика миқёсида "Пиёда ойлиги" ўтказилмоқда. Ушбу тадбирнинг ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳар ИИБ ЙҲХБ ходимлари томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчи ва пиёдалар ўртасида мазкур ойлик мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида профилактик тадбирлар ҳамда корхона ва ташкилот, маҳаллалар, мактабларда ташвиқот ишлари олиб бориляпти.

Жумладан, Афросиёб, Ибн Сино, Хўжа Аҳрор Вали кўчаларига пиёдалар томонидан бошқариладиган светофор қурилмалари ўрнатилди, 46-, 10-, 18-, 51-мактаблар олдида сунъий йўл нотекислиги ва йўл белгилари ўрнатилди, пиёдалар ўтиш йўлиги чизилди. Йўл ҳаракати қоидаларига қатъий ва доимий амал қилиш ҳайдовчининг ҳам, пиёдаларнинг ҳам бурчидир. Бу аввало, ўз хавфсизлигимиз учун зарур.

Озод УСОНОВ, Самарқанд шаҳар ЙҲХБ инспектори.

Кечиримлик, бағрикенглик халқимизга хос азалий қадрият саналади. Айниқса, ҳаётда тўғри йўлдан адашган кишини кечириб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун имконият яратиш юксак инсоний фазилат ҳисобланади. Бундай имконият давлат, юрт раҳбари томонидан берилиши эса шу мамлакатнинг халқпарвар, инсонпарвар сиёсатидан дарак беради.

Маҳқум афв этилди. Кейин-чи?..

Мазкур тамойил асосида яқинда, Рамазон ҳайити арафасида давлатимиз раҳбар томонидан "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва қатъий тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида" Фармон қабул қилинди. Унга кўра, билиб-билмай жиноят қилган, қилмишидан пушаймон бўлган ва қатъий тузалиш йўлига ўтган 100 нафар фуқаро афв этилди. Афв этилганлар орасида 16 нафар самарқандликлар ҳам бор.

Афв этилганларнинг 3 нафарини ўталмай қолган жазо мuddатлари ахлоқ тузаати ишлари жазосига алмаштирилганлар, 1 нафарини жазо мuddатидан тўлиқ, 12 нафарини жазо мuddатларидан илгари шартли равишда озод этилганлар ташкил этади, - дейди вилоят ИИБ пробацция бўлими катта инспектори Нодир Каримов. - Бу фуқаролар афв этилиши, озодликка чиқиши билан энди эътибордан четда қолди, дегани эмас. Уларни ижтимоий муҳитга мослаштириш, ҳаётда ўз йўлларини топиб олишларига ёрдам бериш лозим. Шу мақсадда афв этилганлар билан зарур профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Аввало, улар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Ижтимоий кўнглик марказлари томонидан бир марталик моддий ёрдам олишлари учун йўлланмалар берилди. 1 нафарининг фуқаролик паспорти йўқлиги, 3 нафарининг паспорти эски намунада бўлганлиги сабабли уларга янги намунадаги карталар берилди. Афв этилганларнинг 1 нафари иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги, 1 нафари нафақа ёшига етганлиги туфайли бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Булуғтур туман бўлими билан ҳамкорликда нафақага чиқариш бўйича тегишли ҳужжатлари расмийлаштирилди. Қолган 14 нафарини ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда. Келгусида улар томонидан такрорий жиноятлар содир этилишининг олдини олиш учун маҳалла фаолларидан мураббийлар бриктирилди. Ўз навбатида, вилоят сектор раҳбарлари томонидан афв этилганлар билан учрашув ўтказилиб, уларнинг муаммолари йрганилди. Бу жараёнда 1 нафар фуқаро уй-жойга муҳтожлиги, 2 нафарининг уй-жойи таъмирталаблиги маълум бўлди, 2 нафари имтиёзли кредит олиш ниятида эканлигини билдирди. Ҳозирда бу муаммоларни мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Самарқанд шаҳар Меҳнат маҳалласида яшовчи Ҳамро-тур Эрнапосова қарийб 7 ярим йил фарзанд Обиджон Эрнапосовнинг йўлига кўз тикиб, кунни тунга, тунни кунга улаб яшади. Давлат раҳбарининг афв этиш тўғрисидаги фармони билан Обиджон ҳам кечирилиб, оиласи, онаси бағрига қайтди.

Бу бағрикенгликдан бошимиз кўкка етди, - дейди Ҳ.Эрнапосова. - Ҳайитда оиламиз ҳам, кўнглимиз ҳам тўлди. Фарзандим энди ҳаётда тўғри йўлни танлаб, жамиятимизга хизмат қилади, Президентимизнинг афви қадрига етиб, бу ишончини оқлайди, албатта.

Самарқанд шаҳрининг Жўйичуқур маҳалласида яшовчи Акмал Қаюмов ҳам Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Беш ярим йил жазо мuddатини ўтагач, афв туфайли жазодан озод этилди. - Беш йил кўп нарсани ўйлаш, ҳулоса чиқариш учун етарли вақт бўлди, - дейди Акмал Қаюмов. - Бу вақт давомида оила аъзоларим қанчалик қийналгани, руҳан эзилганини яқши англайман. Шунинг учун энди фақат ҳалол ҳаётда қилиб, оилам учун, Ватанимиз учун яшайман. Президентимизнинг бағрикенгликлари қадрига етиб ишлашнинг ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйганман. Ғолиб ҲАСАНОВ.



# «CAPITAL REALTOR GROUP»

масъулияти чекланган жамияти

**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

«Capital Realtor Group» масъулияти чекланган жамияти Самарқанд филиалида 2021 йил 7 июнь куни соат 11:00 да объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибда ўтказила-диган очик аукцион савдосига вилоят «Агрокимёхимоя» худудий акциядорлик жамияти акциядорларининг 2020 йил 3 декабрдаги 24-сонли навбатдан ташқари умумий йиғилиш баёнига ва вилоят «Агрокимёхимоя» худудий акциядорлик жамиятининг 2021 йил 11 майдаги бюротм хатига асосан қуйидаги мулклар такроран савдога қўйилганлигини маълум қилади:

**1. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Иштихон тумани филиалига тегишли:**  
- Иштихон тумани Одил қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1072,26 кв.м., қурилиш ости майдони 709,82 кв.м., фойдали майдони 681,53 кв.м. бўлган "Ўғит омборхона" биноси. **Бошланғич нархи - 883 908 855 сўм.**

- Иштихон тумани Нусибкор қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1820,0 кв.м., қурилиш ости майдони 338,50 кв.м., фойдали майдони 304,59 кв.м. бўлган "Ўғит омборхона" биноси. **Бошланғич нархи - 514 338 660 сўм.**

- Иштихон тумани Қирқийгит қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1552,55 кв.м., қурилиш ости майдони 617,83 кв.м., фойдали майдони 566,38 кв.м. бўлган "Ўғит омборхона" биноси. **Бошланғич нархи - 878 400 531 сўм.**

**2. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Каттақўрғон тумани филиалига тегишли:**

- Каттақўрғон тумани Қиёт қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1445,37 кв.м., қурилиш ости майдони 384,08 кв.м., фойдали майдони 339,48 кв.м. бўлган "Пахтакор минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 401 648 382 сўм.**

- Каттақўрғон тумани Кадан қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1518,65 кв.м., қурилиш ости майдони 458,41 кв.м., фойдали майдони 385,09 кв.м. бўлган "Минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 596 105 487 сўм.**

- Каттақўрғон тумани Каттаминг қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2426,77 кв.м., қурилиш ости майдони 1613,07 кв.м., фойдали майдони 1538,17 кв.м. бўлган "М.Султонов минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 1 784 105 757 сўм.**

- Каттақўрғон тумани Қипчоқравот қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2820,37 кв.м., қурилиш ости майдони 514,36 кв.м., фойдали майдони 385,09 кв.м. бўлган "Қорадарё минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 830 293 092 сўм.**

- Каттақўрғон тумани Қўштепа қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2 634,39 кв.м., қурилиш ости майдони 442,14 кв.м., фойдали майдони 176,41 кв.м. бўлган "Ўзбекистон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 284 275 008 сўм.**

- Каттақўрғон тумани Мулла кичкина қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1619,31 кв.м., қурилиш ости майдони 281,60 кв.м., фойдали майдони 265,44 кв.м. бўлган "Зарафшон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 308 488 014 сўм.**

**3. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Оқдарё тумани филиалига тегишли:**

- Оқдарё тумани Олчин қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 925,21 кв.м., қурилиш ости майдони 304,72 кв.м., фойдали майдони 255,92 кв.м. бўлган "1-сон шохобча" биноси. **Бошланғич нархи - 447 926 031 сўм.**

- Оқдарё тумани Навоий қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2906,21 кв.м., фойдали майдони 1095,53 кв.м. бўлган "2-сон шохобча" биноси. **Бошланғич нархи - 1 315 481 229 сўм.**

- Оқдарё тумани Авазали қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3514,67 кв.м., қурилиш ости майдони 475,03 кв.м., фойдали майдони 355,37 кв.м. бўлган "6-сон шохобча" биноси. **Бошланғич нархи - 662 607 054 сўм.**

- Самарқанд тумани Чорбоғ-2 қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1527,12 кв.м., қурилиш ости майдони 782,44 кв.м., фойдали майдони 751,90 кв.м. бўлган "Омборхона" биноси. **Бошланғич нархи - 659 158 884 сўм.**

**4. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Паст Дарғом тумани филиалига тегишли:**

- Паст Дарғом тумани Тўқбой МФЙ, Алишер Навоий мас-сивида жойлашган, умумий ер майдони 1540 кв.м., қурилиш

ости майдони 603,75 кв.м. бўлган "5-сон Алишер Навоий ми-нерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 518 576 337 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Уску маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1483 кв.м., қурилиш ости майдони 1052,75 кв.м. бўлган "15-сон Машъал минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 663 472 377 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Санчикул маҳалласида жойлаш-ган, умумий ер майдони 3712,9 кв.м., қурилиш ости майдони 867,58 кв.м., фойдали майдони 1319,66 кв.м. бўлган "9-сон Бобур минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 915 770 529 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Боғанали маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1939 кв.м., қурилиш ости майдони 271,14 кв.м. бўлган "4-сон Зарафшон минерал ўғит тарқатиш шохоб-часи" биноси. **Бошланғич нархи - 249 041 709 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Хончорбоғ маҳалласида жойлаш-ган, умумий ер майдони 228,75 кв.м., қурилиш ости майдони 228,00 кв.м. бўлган "1-сон А. Яссавий минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 178 943 256 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Илм маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1085 кв.м., қурилиш ости майдони 453,70 кв.м. бўлган "10-сон Илм минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 368 344 746 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Беклар маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1514,90 кв.м., қурилиш ости майдони 391,18 кв.м. бўлган "6-сон Шарқ юлдузи минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 353 141 451 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Жағалбойли маҳалласида жойлаш-ган, умумий ер майдони 1762,40 кв.м., қурилиш ости майдони 642,10 кв.м. бўлган "14-сон Ўзбекистон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 465 840 477 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Янгиравот маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1319,70 кв.м., қурилиш ости майдони 501,75 кв.м. бўлган "8-сон Ал-Хоразмий минерал ўғит тарқатиш шохоб-часи" биноси. **Бошланғич нархи - 371 241 063 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Янгисаноат маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1811,30 кв.м., қурилиш ости майдони 679,30 кв.м. бўлган "3-сон Дўстлик минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 609 457 122 сўм.**

- Паст Дарғом тумани Зангибой маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 2296,96 кв.м., қурилиш ости майдони 841,11 кв.м. бўлган "13-сон Қ.Тўраев минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 546 192 315 сўм.**

**5. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Жомбой филиалига тегишли:**

- Жомбой тумани Нўш қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1468 кв.м., қурилиш ости майдони 1146,90 кв.м., фойдали майдони 1092,53 кв.м. бўлган "Ҳақиқат шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 657 195 687 сўм.**

- Жомбой тумани Еттиуруғ қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1379,20 кв.м., қурилиш ости майдони 835,47 кв.м., фойдали майдони 798,16 кв.м. бўлган "Гулистон шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 499 770 324 сўм.**

- Жомбой тумани Қўштепа қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 877 кв.м., қурилиш ости майдони 499,43 кв.м., фойдали майдони 450,34 кв.м. бўлган "Зарафшон шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 301 066 065 сўм.**

- Жомбой тумани Оққовун қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 6700 кв.м., қурилиш ости майдони 172,81 кв.м., фойдали майдони 138,99 кв.м. бўлган "Эсонтурдиев шохоб-

часи" биноси. **Бошланғич нархи - 825 472 944 сўм.**

**6. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Нарпай тумани филиалига тегишли:**

- Нарпай тумани Наврўз маҳалласи, Ўзбекистон массивида жойлашган, умумий ер майдони 1803,74 кв.м., қурилиш ости майдони 388,96 кв.м., фойдали майдони 340,65 кв.м. бўлган "Ўзбекистон ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 296 160 624 сўм.**

- Нарпай тумани Оқ-олтин маҳалласи, Оқ-олтин массиви-да жойлашган, умумий ер майдони 1866,39 кв.м., қурилиш ости майдони 771,30 кв.м., фойдали майдони 681,96 кв.м. бўлган "Ибн Сино номли ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 520 850 817 сўм.**

- Нарпай тумани Мирбозор ШФЙ, Сарбозор маҳалласи, Фа-лаба массивида жойлашган, умумий ер майдони 1271,75 кв.м., қурилиш ости майдони 519,80 кв.м., фойдали майдони 469,52 кв.м. бўлган "Галаба ўғит шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 393 497 433 сўм.**

- Нарпай тумани Ўзбеккенти маҳалласи, Ҳақиқат массивида жойлашган, умумий ер майдони 1487,66 кв.м., қурилиш ости майдони 409,54 кв.м., фойдали майдони 364,28 кв.м. бўлган "Ҳақиқат ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 309 447 378 сўм.**

**7. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Бу-лунғур тумани филиалига тегишли:**

- Булунғур тумани Мирзо Улугбек массивида жойлашган, умумий ер майдони 3933 кв.м., қурилиш ости майдони 435,40 кв.м., фойдали майдони 381,90 кв.м. бўлган "Ўғит омборхона-си" биноси. **Бошланғич нархи - 257 687 649 сўм.**

**8. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Тойлоқ тумани филиалига тегишли:**

- Тойлоқ тумани Богизагон маҳалласи, Тожиқравот қи-шлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2 887 кв.м., қурилиш ости майдони 677,90 кв.м., фойдали майдони 604,94 кв.м. бўлган "Минерал ўғит омборхонаси" биноси. **Бошланғич нархи - 504 571 518 сўм.**

**9. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Пай-арик тумани филиалига тегишли:**

- Пайарик тумани Муҳаммади маҳалласи, Муҳаммади қиш-лоғида жойлашган, умумий ер майдони 2 260 кв.м. "Омборхона биноси". **Бошланғич нархи - 366 377 175 сўм.**

- Пайарик тумани Жавшар ота маҳалласи, Еттиуруғ қиш-лоғида жойлашган, умумий ер майдони 596,60 кв.м., қурилиш ости майдони 278,64 кв.м., фойдали майдони 237,70 кв.м. бўлган "Шохобча" биноси. **Бошланғич нархи - 178 548 867 сўм.**

- Пайарик тумани Маданият маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 942 кв.м., қурилиш ости майдони 525,51 кв.м., фойдали майдони 467,87 кв.м. бўлган "Омборхона биноси". **Бошланғич нархи - 382 608 360 сўм.**

- Пайарик тумани Хўжа Исмоил маҳалласи, Хўжа Исмоил қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1450 кв.м., қури-лиш ости майдони 313,60 кв.м., фойдали майдони 284,40 кв.м. бўлган "Омборхона биноси". **Бошланғич нархи - 232 655 247 сўм.**

- Пайарик тумани Бахрин маҳалласи, Бахрин қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3755,08 кв.м., қурилиш ости майдони 1580,68 кв.м., фойдали майдони 1516,66 кв.м. бўлган "Омборхона биноси". **Бошланғич нархи - 1 006 292 646 сўм.**

- Пайарик тумани Туркибола маҳалласи, Туркибола қиш-лоғида жойлашган, умумий ер майдони 693,04 кв.м., қурилиш

ости майдони 390 кв.м., фойдали майдони 348 кв.м. бўлган "Шохобча биноси". **Бошланғич нархи - 247 922 694 сўм.**

**10. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Ургут тумани филиалига тегишли:**

- Ургут тумани Қуйи Алғар маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1121,48 кв.м., қурилиш ости майдони 723,42 кв.м., фойдали майдони 656,06 кв.м. бўлган "Кимёвий ўғитлар сақлаш омборхонаси" биноси. **Бошланғич нархи - 543 861 702 сўм.**

- Ургут тумани Кенагас маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 3904,34 кв.м., қурилиш ости майдони 377,33 кв.м., фойдали майдони 333,53 кв.м. бўлган "Кимёвий ўғитлар сақлаш омборхонаси" биноси. **Бошланғич нархи - 322 287 984 сўм.**

- Ургут тумани Қуйиқишлоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 2038,19 кв.м., қурилиш ости майдони 663 кв.м., фойдали майдони 615,89 кв.м. бўлган "Кимёвий ўғитлар сақлаш омборхонаси" биноси. **Бошланғич нархи - 543 097 710 сўм.**

**11. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимоя" ҲАЖ Пах-тачи тумани филиалига тегишли:**

- Пахтачи тумани Хайробод ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 1498 кв.м., қурилиш ости майдони 452,80 кв.м., фой-дали майдони 392,76 кв.м. бўлган "3-сон Оқтепа шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 181 048 608 сўм.**

- Пахтачи тумани Тома МФЙда жойлашган, умумий ер майдони 646 кв.м., қурилиш ости майдони 343 кв.м., фойдали майдони 284,73 кв.м. бўлган "1-сон Охунбобоев шохобчаси" биноси. **Бошланғич нархи - 120 917 043 сўм.**

- Пахтачи тумани Пўлатчи ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 917 кв.м., қурилиш ости майдони 374 кв.м., фой-дали майдони 300,58 кв.м. бўлган "7-сон Рўзикул Махманов шохобча" биноси. **Бошланғич нархи - 182 685 213 сўм.**

- Пахтачи тумани Янги Дибр ЖУТ массивида жойлашган, умумий ер майдони 1646 кв.м., фойдали майдони 765,76 кв.м. бўлган "5-сон Зарафшон шохобчаси" (омборхона) биноси. **Бошланғич нархи - 186 723 144 сўмда** қўйилганлигини маълум қилади.

**Талабгорлар диққатига!**

Ушбу кўчмас мулклар аукцион савдосида сотилмаган тақ-дирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси **2021 йил 23 июнь куни соат 11:00** да ўтказили-шини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишлиги бўйича фи-лиал вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талаб-горлардан аризалар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар кун, дам олиш кунлари (шанба ва яшанба) ва байрам кунларидан ташқари соат **9:00 дан 17:00 гача** Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 150-ўй, 2-қават, 1-хонада қабул қилинади (тушлик 13:00 дан 14:00 гача). Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қол-ганда соат 15:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган завадат пулини **ҳар бир мулк учун алоҳида тар-тибда** савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Х/р: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Савдо ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томондан мулк учун тўловларни тўлаш мuddати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдода қатнашиш учун jisмоний шахслар фука-ролик паспорти нусхаси, юридик шахслар эса жамият гувоҳно-маси, низоми ва ваколатли шахсининг ваколатли тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ҳамда ишончнома охосида ваколатли шахс қатнашган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончноманинг асл нусхаси тақдим қилинади.

**Савдо ўтказилиш, талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ҳамда қўшимча маълумот олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 150-ўй, 2-қав-ат. Телефон: (+998-93) 355-74-06. Web: realtgroup.uz, E-mail: info@realtgroup.uz. Хизматлар лицензияланган (Лицензия: RR-0017).**

# ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

**Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти худудий бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:**

Т/Р	Балансда сақловчининг номи	Майдони (кв. м.)	Фойдаланиш мақсади	Манзили
1	Иштихон тумани маданият бўлими	42,69	Чакана савдо	Иштихон тумани Иштихон кўчаси, 69-ўй
2	Оқдарё туман ХТБга қарашли 15-умумий ўрта таълим мактаби	35	Чакана савдо	Оқдарё тумани Учтепа МФЙ
3	Оқдарё туман ХТБга қарашли 47-умумий ўрта таълим мактаби	36	Чакана савдо	Оқдарё тумани Мустақиллик МФЙ
4	Сибё, Абу Али ибн Сино номидаги жамоат стоматология техникуми	9,88	Компьютер хизматлари	Самарқанд шаҳри Рудакий кўчаси, 190-ўй
5	Паст Дарғом туман ХТБга қарашли 54-умумий ўрта таълим мактаби	12	Чакана савдо	Паст Дарғом тумани Гумбаз МФЙ
6	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	42,84	Нотариал хизматлар	Самарқанд шаҳри Амир Темуր кўчаси, 152-ўй
7	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	18	Идора (Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази учун)	Паст Дарғом тумани Нодирабегим кўчаси
8	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	15	Идора (Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази учун)	Нуробод тумани Шарқ юлдузи МФЙ, Ешлик кўчаси, 1/2
9	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	18	Идора (Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази учун)	Нарпай тумани Ислол шоир МФЙ, Ислол Назар кўчаси, 60-ўй
10	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	12	Идора (Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази учун)	Каттақўрғон шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 156-ўй
11	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	12	Идора (Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази учун)	Иштихон тумани Қорақўйли МФЙ, Наврўз кўчаси, 2-ўй
12	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	9	Идора (Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази учун)	Каттақўрғон тумани Кадан МФЙ, Кадан
13	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	18	Идора (Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази учун)	Пахтачи тумани Истиклол кўчаси
14	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	18	Идора (Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази учун)	Ургут тумани Дўстлик МФЙ, Алишер Навоий шохкўчаси
15	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	12	Идора (Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази учун)	Булунғур тумани Оқтепа кўчаси
<b>Жами:</b>		<b>310,41</b>		

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Спитамен шохкўчаси, 157-“А” ўй. Тел/факс: 66-233-23-52.**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**



# АМИР ТЕМУР

## мол-маҳсулотларини юқори нархларда сотган дўкондорларни қаттиқ жазолаган

**Амир Темур Самарқанддан бошқа шаҳарлар ривожланишига ҳам алоҳида эътиборни қаратган. Жумладан, ўз даврида Бухоро Соҳибқирон давлатининг йирик иқтисодий маркази бўлган.**

Бундан ташқари, маъдан конлари яқинлиги туфайли Тошкентда металл буюм яшаш ривожланган. Тошкент бошқа ҳудудларга "шоший" ("чочий") деб аталган камонлар етказиб бериши билан донг таратган. Андижон билан Ахшиқат эса Фарғона водийсининг иқтисодий ва маданий маркази бўлган.

Самарқандда бахмалнинг тўқ қизил рангли алоҳида тури тайёрланган. Аҳолининг аслодалар қисми учун байрам либоси асосан шойи, парча ва бахмалдан тайёрланарди. Гиламдўзлик Мовароуннахрдаги хунармандчилик ишлаб чиқаришида муҳим ўрин эгаллаган. Самарқандда "султоний" номли энг яхши қоғоз ишлаб чиқарилган. Амир Темур ва Улуғбек даврида кулполчилик муҳим ўрин эгаллар, хунармандчилик ишлаб чиқаришининг энг ривожланган ва етакчи тармоқларидан бири саналар эди.

XIV аср охирида улугвор иншоотлар қурилиши кенг тус олди. Дераза ойнаси, жумладан рангли ойна ишлаб чиқариш ҳам анча ривожланди. Амир Темур мақбараси, Ишратхона, Шахрисабздаги сарой, Бухородаги Улуғбек мадрасаси қурилишида шу ойнадан фойдаланилган. Шунингдек, сиркор қошин тайёрлаш миқдори ҳам ошган. Темур давлати пойтахтида аслаҳасозлик иши кучли даражада ривожланди. Махсус устaxonаларда шамшир, қилич, ханжар, ойболта, совут, дубулга тайёрла-



нар, Темур бу соҳага катта аҳамият бериб, қатъий назорат қилиб борарди.

XIII-XIV асрларда давлатга қарашли йирик хунармандчилик устaxonалари бўлган. Амир Темур Самарқандни улуглаш истагида "забт этган ерларнинг ҳаммасидан одамларни келтириб, шаҳар ва (унинг атрофидаги) ерларга жойлаштирар, айниқса, турли хунарлар бўйича усталарни тўплар эди. Дамашқдан тўқувчилар, камончилар, аслаҳасозлар, шишапаз ва кулларни юборди, (улар) дунёда энг яхши усталар ҳисобланади. Туркиядан эса камончилар ва гишт терувчилар, заргарларни келтирди. Улар шунчалик кўп топилди ва кўп келтирилдики, шаҳарда ҳар қандай уста ва хунармандни топиш мумкин эди.

Мамлакат иқтисодиётида чорвачилик муҳим

тармоқлардан бири ҳисобланиб, чорва моллари учун ҳам алоҳида жойлар ажратилган. Масалан, от бозори, қўй бозори бўлган. Бозорлар айни вақтда шеърят, адабиёт, илм-фан ютуқлари бўйича суҳбатлар ўтадиган, ўзига хос билим алмашинуви кечадиган жойлар ҳам эди. Шу ерда ҳукмдорларнинг фармони эълон қилинар, айбдорлар жазоланар эди. Чунончи, читарлар рисоласига кўра, касб низоми кўрсатмаларини бузган шоғирд бозор кунни елкаси хипчин билан саваланган ҳолда бозор ичидан олиб ўтилган. Бу ерда кўплаб амалдорлар ва оддий халқ тўпланган. Шунингдек, Амир Темур мол-маҳсулотларини юқори нархларда сотган дўкондорларни қаттиқ жазолашни буюрган.

Бозор томошагоҳ, кўнгилоҷар жой ҳам эди. Найрангбоз, дорбоз, полвон, қўғирчоқбозларнинг тирикчилиги ҳам кўпинча шу ерда ўтган. Зотан, Самарқандга кўплаб хорижий савдогарлар келиб турарди. Улар хилма-хил тилда гаплашувчи кишилар бўлиб, ҳаттоки, улар орасида овруपालик меҳмонларни ҳам учратиш мумкин эди. Йўллар тармоғи Ўрта Осиё шаҳарларини Ҳиндистон, Эрон, ҳозирги Афғонистон, Хитой, Кавказорти, Туркия, Волгабўйи марказлари билан боғланган. Иқтисодда савдо қандай катта аҳамиятга эгаллигини Темур яхши тушунарди.

Амир Темур, Шохруҳ ва Улуғбек даврида савдогарлар ва элчиларнинг йўли бехатар бўлишига катта эътибор берилган. Самарқандга четдан келтирилувчи моллар орасида Шарқ мамлакатлари, биринчи навбатда, Хитойдан келтирилувчи моллар муҳим ўрин тутган. Самарқандга турли мамлакатларнинг моллари, шу жумладан, "Урусия ва Татариянинг" кўни билан зиғир толасидан тўқилган газламаси оқиб келарди. Ўрта Осиёга Волга-

### «Утмишдан сабоқ»

бўйидаги Булғор деган жойдан келтирилувчи аъло навли тери ишлов берилган жойига кўра "булғори" деган ном олган. Ундан хилма-хил пойабзалларнинг устки қисми, қимматбаҳо эгар, камон ўқлари учун нақшинкор савдоқ, хуржун, муқова ва бошқа нарсалар тайёрланган.

Хитойдан Мовароуннахрга "бағоят қадрланадиган ва қимматбаҳо бўлган" чинни идишлар, чинни кошинлар ва чинни буюмлар, сирланган сопол келтирилган.

Самарқанддан четга олиб чиқиладиган хилма-хил матолар, айниқса, "занданачи" номли тури муҳим ўрин эгаллаган. XV асрда Урусия, Волгабўйи ва улар орқали Оврупага занданачи қисман етказиб берилган.

XIV-XV асрлар охирида Темур ва теурийлар давлати маркази - Мовароуннахр жуда кўп қарвон йўллари орқали Оврупа, Яқин ва Узоқ Шарқнинг йирик шаҳар ҳамда мамлакатлари билан боғланган эди.

XIV асрда Мовароуннахрнинг шимол томондаги йирик иқтисодий ва сиёсий кўшниси Олтин Ўрда эди. Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларидаги савдогарлар Олтин Ўрдага икки томондан бориши мумкин бўлган, яъни Жанубий Қозоғистон чўллари орқали ва Хоразм томондан. Хоразмнинг ички ва ташқи савдоси Урганчада тўпланган эди. Урганч орқали жанубий мамлакатлардан Олтин Ўрда, Волгабўйи, сўнг Оврупага қараб қарвонлар ўтар эди.

Шундай қилиб, XIV-XV аср охирида Мовароуннахрни маълум мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий, баъзи ҳолларда сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган қарвон йўллари боғлаган. Ушбу тарихий йўллар бир-бирдан иқтисоди, халқ турмуш тарзи, дини, маънавий ва моддий маданияти жиҳатидан фарқланувчи мамлакатларнинг ўзаро алоқасини ривожлантиришга имкон яратган.

**Ўтан ТУХТАМИШЕВ,**  
**СамИСИ доценти.**  
**Шовқиддин АБДУРАШИДОВ,**  
**СамИСИ ўқитувчиси.**



### «Ўнимиздаги одамлар»

## Фабрий педагог қишлоқда туризм маскани ташкил этиш ҳаракатида

**Устоз деганда, инсон кўнглида унга ҳурмат, эҳтиром ва миннатдорлик туйғулари, ҳеч қачон адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам муаллим ва мураббийга онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, азиз ва мўътабар, улуг зот сифатида таъриф берилади. Нурободлик Юнус Юсупов ана шундай улуг касбни ўзига рутба қилган юртдошларимиздан бири.**

Нуробод туманининг пуर्वикор тоғлари орасидаги Чўнкаймиш қишлоғида таваллуд топган Юнус муаллим болалигидан адабиётга ҳавасманд бўлиб вояга етди. Мактабдаги устози Мухаммади Усмоновга ҳавас қилиб, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлишни дилга тугди ва мактабни битиргач, Самарқанд педагогика институтига ўқишга кирди.

– Мактабни 1966 йилда тугатдим, – деб эслайди Юнус бобо. – Бирдан талаба бўлмамдим. Уч йил имтиҳон топшириб ўқишга киришга ҳаракат қилдим ва тўртинчи йил талаба бўлишга муваффақ бўлдим. У пайтлар репетитор деган гап йўқ. Қўлимиздаги адабиётлар ҳамда мактабда устозлардан олган билимимизга ишонганмиз.

Ю.Юсупов 1974 йилда институтини муваффақиятли битириб, иш фаолиятини Қашқадарё вилоятидаги мактабда бошлади. Кейин ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги 20-мактаб директори ўринбосари, 1980 йилда шу мактабга директор бўлди. Унинг раҳбарлиги даврида муассаса тумандаги энг яхши мактабга айланди. Шу босис туман халқ таълими бўлими мудири лавозимига тайинланди. Халқ таълими бўлими раҳбари сифатидаги беш йиллик фаолияти давомида таълим соҳасидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш, ўқитувчилар фаолиятини давр талабига мос тарзда ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. Устоз уч муддат халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига ҳам сайланди ва Кенгашнинг маориф ва маданият комиссиясини бошқарди.

Халқимизда "Меҳнат қилган элда азиз", деган нақл бор. Шу нақлга амал қилган Ю.Юсупов 2002 йилдан пенсияга чиққунга қадар қишлоқдаги 20-умумтаълим мактабда директорлик қилиб, эл хурматида сазовор бўлди.



Бир умр ёшларга таълим берган Юнус бобо пенсияга чиқиб ҳам ўтириб қолмади. У Чўнкаймиш қишлоғидаги ташландиқ жойни обод масканга айлантиришга қарор қилди. Бу ерда салкам уч юз йиллик тол ва бошқа дарахларни асраб, аҳоли учун мўъжазгина дам олиш маскани барпо этди. 200 гектарлик ҳудудда бодомзор, мингдан ортиқ меваги ва манзарали дарахлар экиб парвариш-ламоқда.


– Кўп йиллар давомида аёвсиз кесилган дарахларнинг қисматига бепарқ қараб туролмамдим, – дейди Юнус муаллим. – Атрофдаги табиат манзараларини кўз қорачигидек асраш, бой берилган дарахларнинг ўрнини тўлдириш керак. Агар шундай қилмасак, келгуси авлод биздан ҳеч қачон рози бўлмайди, деб ўйладим. Мақсадим қишлоғимизда замонавий туризм масканини ташкил қилиш.

Ҳаётнинг паст-баландини кўрган Юнус Юсупов бугун 70 ёшни қаршилади. Тошбиби опа Юсупова билан 10 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Айни пайтда отахон фарзандлар, набира ва абиралари қуршовида ҳаёт кечирмоқда.

**Илёс СУЛАЙМОНОВ.**

### «Китоб жавонингизга»

**Ҳаёт йўллари текис ва бир хил эмас, паст-баланди учраб туради. Бу йўлда турли тоифадаги кишиларни учратасиз, улар билан йўлдош ёки ҳамсуҳбат бўласиз. Ва албатта, бундан хулоса чиқарасиз, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратишни ўрганасиз. Бу ҳаёт йўлингизнинг кейинги манзилларида ўзингизга асқотади. Бошқалар йўл кўйган хатоларни такрорламасликка интиласиз, қайси ҳаракатнинг оқибати нима билан яқунланишини биласиз.**



## Умрзоқовнинг "Умр гулшани"

Кўрган-кечирганларингиз, гувоҳ бўлганларингизни бошқаларга айтиб берсангиз бу улар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтайди.

Таниқли олим, иқтисод фанлари доктори, турли идораларда масъул вазифаларда ишлаб келётган Баҳодир Умрзоқовнинг ўз иш фаолияти, ҳаёти давомида кўрганлари, эшитганлари ва бошидан кечирганларига асосланиб ёзилган ҳикоялари ҳамда ижод намуналари ўрин олган "Умр гулшани" китоби ҳам ўқиган киши учун сабоқ бўладиган тўплам.

Аслида, Баҳодир аканинг етук олим сифатидаги илмий тадқиқот ишлари ва қарашлари, салоҳиятли раҳбар бўлиб зиммасига юклатилган вазифаларни бекумул қўст бажаргани, раҳбарият ва элнинг ишончига сазовор бўлганининг


ўзи катта мактаб, ўрганса арзиғулик ҳаёт йўли. Лекин у кишининг ижодига ва ижодкорларга яқинлиги, ўзида ҳам Худо берган ана шундай истеъдод борлиги туфайли ёзган ҳикоя ва хотиралари адабиётнинг кишилар онгу тафаккурига қанчалик таъсирини кўрсатишини намён этади.

Китобда баён этилган деярли барча воқеалар, ҳолатлар Баҳодир аканинг бошидан ўтган, уларга ўзи гувоҳ бўлган (бундай воқеалар бошқалар ҳаётида ҳам бўлиши мумкин, аммо кўпчилик уларни қоғозга туширишга ҳафсала қилмайди). Лекин улар шунчаки эсланмаган, ўқиган одам нимадир олади. "Бармоқ излари", "Болғачанинг бир зарби", "Лутфихон ая ҳақида", "Ота омонати", "Санъатнинг буюк қудрати", "Телевизор", "Пўстдубали

мошкичири тарихи", "Ўзбекман" қўшма қорхонаси" ва бошқа ҳикояларда юксак инсоний фазилатлар, меҳр-оқибат, оилавий қадриятларнинг устунлиги, юртга меҳр ва ватанпарварлик яққол акс этиб туради.

Шунингдек, китобга Баҳодир аканинг таниқли шоир ва адиблар асарларидан таржималари, юрти-миздаги муфтийлар сулоласи – Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Эшон Зиевуддинхон ибн Эшон бобохон ва Эшон Шамсуддинхон ибн Зиевуддинхон ҳақидаги "Ҳазрати Эшон" номли тарихий қиссаси ҳам киритилган.

Умуман, Баҳодир Умрзоқовнинг "Умр гулшани" билан танишган киши бу инсоннинг ҳаёт йўллари, яшашдан мақсад-муроиди ҳақида тасаввурга эга бўлади.



## Шеърларида яшаган шоир

**Ҳаёт, тақдир синовлари инсонни ҳар томонлама тоблаяди. Бошидан ўтказганларини кимдир яқинларига сўзлаб берса, кимдир мисраларга тизади, яна кимдир ҳикоялар ёзади.**

Пайриқлик Турди Турсунов ҳам ҳаётдан олган ибратларини шеърларига кўчирди. 80 ёшдан ошган ижодкор ҳамон қораламаларини, ҳаётий ҳикояларини, ёшларга панд-насихатларини таҳририятга юбориб туради. Жамиятдаги иллатларга бепарқ қарай олмайди, уларни ўз мулоҳазаларида ифода қилади.

Истеъдодли журналист Гулчехра Усмонова томонидан ёзилган "Синовли сўқмоқлар" китоби адабиётга меҳри-баланд Турди Турсуновнинг сийратига чизилган, тақдир

йўлларидаги синовли кунлар, ёшлиги, қийинчиликлари, адабиётга бўлган муҳаббати, ота-боболарининг ибрати ва ижодига бағишланди. Ижодкорнинг суҳбатлари, ҳикоялари асосида яратилган назкур китоб "Наврўз" нашриётида чоп этилган.

Турди Турсуновнинг шеърятга меҳри, уруш йилларидан кейинги қийинчиликлари, институтда ўқиган даврлари, ҳўжалиқда суҳандонлик қилгани, ўқувчиларга берган сабоғи, дўстлари, оиласи ҳақида Г.Усмонова томонидан оддий, ҳаётий қилиб ҳикоя қилинган.

Китобни мутолаа қилиб, пайриқлик Турди бобонинг нафақат синовли сўқмоқлардаги ҳаёти билан, балки шеърларига кўчган ижоди билан ҳам танишасиз.

**Шунда чекинади разолат, нафрат, Кўнгил чайқалади нафис атирга. Шўқур оятлари дилни ёғдулаб Садафдай тизилиб борар сатрга.**

**Эл деган кимсаки, етсин муродга, Халқ ва Ҳақ ризоси улугъ неъматдир. Шу йўлда собит қил Қодир худоё, Сендан излаганим фақат ҳикматдир. Азиза БОЙМУРОДОВА.**

### «Назм»



**Тонгги дуоларда кўкарсин Умид, Мудом яшил бўлсин нафис япроғи. Кўк сари бўйлашсин, гулласин қийғос, Ифрга беласин яқин йироғин.**

**Орзули йўлларда Адолат маёқ, Илоҳий ишқ ўти куч, мадор бўлсин. Ҳақ ёди етаклар нури манзилга, Саодат саройи ёғдуга тўлсин.**

**Zarafshon**  
САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

**MUASSIS:**  
«Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**  
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyati matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 112 nusxada chop etildi. Buyurtma 367.  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

**QABULXONA:** (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56  
**BO'LIMLAR:** (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61  
**MANZILIMIZ:** 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.  
Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
**Korxonalar manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharrir:** A.SHERXOLOV.  
**Navbatchi:** G.MO'MINOVA.  
**Sahifalovchi:** B.ABDULLAYEV.  
Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X  
9 772010 667009